

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 20 август, № 163 (5330)

Шанба



«Ўзбекистон – барқарор тараққиёт ва юксак даражадаги маънавиятга эга мамлакатдир»

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида юртимизнинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналарига атоқли ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, илимий ва академик доиралар ҳамда халқаро ташкилотлар вакилларида Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида эришган ютуқлари, демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақидаги мулоҳазалар битилган мактублар келиши давом этмоқда.

Жумладан, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси ректори, тарих фанлари доктори, профессор, қатор халқаро академиялар аъзоси Евгений Бажанов Ўзбекистон жуда қисқа тарихий давр ичида кўплаб ютуқларга эришганини кайд этади.

Дунё нигоҳи

Унинг фикрига кўра, «Бу, энг аввало, Ўзбекистондаги сиёсий тизимнинг тўла барқарорлигидан кўрилади. Сиёсатдаги барқарорлик, бу — энг муҳими. Барқарорлик бўлма-са, фаровон турмуш ва ривожланишга эришиш мушкул. Иккинчидан, Ўзбекистон иқтисодий соҳада улкан муваффақиятлари кўлга киритди, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида «шок терапияси»ни қўллаш йўли четлаб ўтилган ҳолда, ислохотларни босқичма-босқич олиб бориш йўли танланди. Натижанда бу Ўзбекистонда ижтимоий ва иқтисодий йўқотишлар бўлишининг олдиниди. Бугун мазкур мамлакат ўз қудратини босқичма-босқич оширмоқда, республика иқтисодиёти ривожланаётган ва албатта, бундан

сўнг ҳам равнақ топиб бораверади. Етақчи давлатларнинг кўплаб хорижий компаниялари Ўзбекистон бозорига фаолият олиб боришни ўзи учун муҳим, фойдали ва қизиқарли, деб билишлари дунёдаги кўпгина давлатларнинг ҳавасини келтиради. Ўзбекистон таълим, маданият ва фан соҳасида яхши натижаларга эришди, чунки ўзбек халқи қадим маданият ва цивилизацияга эгадир. Шунингдек, мамлакат ташқи сиёсат йўналишида ҳам улкан ютуқларни кўлга киритди. Дунёнинг мураккаб минтақасида жойлашган ёш давлат бўлишига қарамадан, Ўзбекистон жаҳоннинг қатор етақчи давлатлари, хусусан, Россия, АҚШ, Хитой, Япония ва Европа мамлакатлари билан ҳам дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйган. Шу билан бирга, ўз қўшнилари билан яхши ва мустақам алоқада бўлиб, улар билан икки томонлама ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқда».

(Давоми 3-бетда.)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ва юртимизда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар қалбига етказиш мақсадида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШЛАРИ

Энг улуг, энг азиз байрамимизга бағишлаб Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси ҳамкорлигида «Истиқлол фарзандлари» мавзудаги ёшлар фестивали ташкил этилди.

Поиттахтимизда икки кун давом этган ушбу анжуманга мамлакатимизнинг барча худудларидан етти юздан зиёд илм-фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида катта ютуқларни кўлга киритаётган, фаол ва изланувчан ёшлар тақдирлари танилди.

Фестиваль кунлари таниқли олимлар, санъаткорлар, спорт усталари иштирокида концерт, ижодий учрашувлар, маҳорат машғулоти ташкил этилди. Ёшларнинг Мустақиллик майдони, «Шахидлар хотираси» мажмуи ва қабрлар қадамжолар ва музейларга саёҳатлари уюштирилди.

(Давоми 2-бетда.)

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш юртимиз мустақил тараққиёт йўлининг бош мақсади. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан «Ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси замирида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсадлар мутасам экани бугун барча соҳалардаги ислохотларда ўз ифодасини топмоқда.

Бу жараёнда инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, маънавиятини юксалтириш, саломатлигини мустақамлаштириш мақсад қилган Ўзбекистон касабаси уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муқбири Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами арафасида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила НОРБОВА билан бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўхбатлашди.

ган ҳар бир инсон ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши учун кенг шариоит яратиш, унинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқини ҳимоялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг устувор вазифаларидандир. Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси касабаси уюшмалари фаолиятини ҳам янгира асосда ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлаётган.

Концепцияда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор

қайтириш, қулай ва етарли меҳнат шариоитлари билан таъминлаш, соғломлаштириш ишлари сифатини ошириш борасида тизимли фаолият олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011 — 2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув имзоланди. Мазкур ҳужжат касабаси уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш,

ИҚТИДОРЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Истиқлол йилларида юртимизда турли кўрик-танловларни ўтказиш яхши анъанага айланган. Ёш авлодни миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Келажак овози», «Янги авлод», «Ягонасан, муқаддас Ватан!» каби танловлар шулар жумласидандир.

«Ниҳол» — 2011

Энг муҳими, бундай ижодий беллашувларнинг энг чекка туман ва қишлоқларда ҳам ўтказиб келинаётгани ҳақиқий иқтидор эгаларини кашф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлаётган. Бундай тадбирлар орасида, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан тасвир этилган «Ниҳол» мукофотининг мавқеи беқиёс.

Кеча пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида мазкур мукофотнинг 2011 йилдаги совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Байрамона безатилган сахна, ишти-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

рокчилар ва томошабинларнинг кўтаринки кайфияти тадбирга ўзгача руҳ бағишлади. Зеро, бугун давлатимиз томонидан ёш авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг баркамол бўлиб етишишлари учун

тўла-тўқис шарт-шароит яратиб берилмоқда. Бунинг натижасида юртимизда истеъдодли ёшлар сафи кенгайиб бораётган. Жумладан, миллий санъатимизда ўз овози ва услубига эга иқтидорларни излаб топиш ва

рағбатлантириш, уларга қанот бағишлашда «Ниҳол» мукофотининг аҳамияти бўлақча.

Ниҳоят, хаяжонли дамлар бошланди. Гулдорус қарсақлар оғушида «Ниҳол»нинг 2011 йилдаги голиблари номи эълон

қилинди. Унга кўра, «Ниҳол» мукофотида анъанавий ижрочилик йўналишида Рахшона Кўзиёва (Андижон вилояти), Шахзода Ҳасанова (Наманган вилояти),

(Давоми 3-бетда.)

Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси олдидан

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш зиммати сифатини тубдан яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни соғлом, баркамол авлод этиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига доир ўндан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, фуқаролар соғлигини яхшилаш бўйича юксак натижаларга эришилган

ана шундан далолат бериб турибди. Чунончи, мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги давомида оналар қўлини даражаси 3 баравар, болалар улими 3 барабардан кўпроқ камайди. Ушбу даврда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга ошди. Эътиборли жиҳати, бу ютуқлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Албатта, бундай натижаларга эришишда мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар, ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилгани, соҳага давлат томонидан ғамхўрликнинг қучайтирилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 2011 йилда соғлиқни сақлаш тизими учун 2,2 трлн. сўм маблағ ажратилиш кўзда тутилгани фикримизга аққол мисолдир.

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини янада ошириш, аҳоли саломатлиги йўлида эришилаётган ютуқларни мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, мазкур Қонун алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг фуқаролар, биринчи навбатда, 20 ёшга етмаган шахсларнинг саломатлигига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида уларнинг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашни кўзлайди. Яъни бу борадаги қонунчилик ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда қонунчилик талабларини хал-

қаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштириш назарда тутилмоқда.

Маълумки, 18 дан 20 ёшгача бўлган вақт ўспиринлик даври ҳисобланади, бу даврда шахснинг ўзини оғлаш жараёни давом этади, унинг ҳаёт йўли, ижтимоий қизиқишлари шаклланади. 20 ёшда эса инсон шахс сифатида камол топади. Бу ёшда ўспиринларни зарарли таъсирилар, шу жумладан, алкоголь ва тамакидан асраш ўта муҳимдир. Чунки бу салбий иллатлар шахснинг уйғун ривожланиш жараёни бузилишига сабаб бўлади ҳамда репродуктив саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис халқаро амалиётда 20 — 21 ёшга тўлмаган шахслар орасида алкоголь ва тамаки истеъмол қилиниши чеклашга оид қонунлар мавжуд.

Дарҳақиқат, алкогольни истеъмол қилиш инсон соғлиги учун асратили оқибатларга сабаб бўлади. Чунончи, алкоголь истеъмоли натижасида туғма нуқсонли болалар дунёга келади, мияда, жигарда ва бошқа органларда даволаш мушкул бўлган жиддий ўзгаришлар юз беради.

Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, кашандалликка муккасидан кетиш ҳам фуқаролар соғлиғига ўта салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан ҳисоб-

ланади. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда 15 ёшдан катта бўлган аҳолининг 20 фоиздан ортига тамаки истеъмол қилади. Бу рақам, албатта, ушбу салбий одатнинг жамият учун нақадар катта зарар эканлигини кўрсатиб турибди. Афсусланарли жиҳати, муомала қилинаётган тамаки маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга охири бормоқда.

Шу ўринда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини қонуний асосларда чеклаш иқтисодий нуқтай назардан ҳам фойдали эканлигини айтиб ўтиш жоиздир. Шу боис Президентимизнинг 2010 йил 27 январдаги қарори талаблари асосида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди.

Қонунда асосий тушунчалар моҳияти очиб берилаяпти. Хусусан, унга кўра, алкоголь маҳсулотли деганда, қоньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материалларидан ва (ёки) таркибиде спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган

(Давоми 2-бетда.)

РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари равангага хизмат қилади

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортқча бюрократия тўсиқларини бартараф этиш мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рух-

тақдим этиладиган аниқ ва содда ахборотларнинг тўла рўйхатини қамраб олишда, тадбиркорлар рухсатнома олиши керак бўлган ҳаракат ва фаолиятларнинг муайян рўйхатини тузишда аниқ мудададир. Қонунда, айниқса, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий, қонуний манфаатларини, фуқароларнинг ҳаёти

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

сат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул этиш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган эди. Бу тақдир, очиги, тадбиркор халқимизнинг ниҳоятда қувонтирди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилгани соҳанинг республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини юксалтирди. Хусусан, мамлакатимиз яқин икки маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуғи 52,5 фоизга етгани фикримизнинг яққол далилидир.

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун тадбиркорлик субъектлари рухсатнома олиши зарур бўлган ҳаракат ва фаолиятларнинг, шунингдек, рухсатнома берувчи давлат муассасалари томонидан

ва соғлиқни, жамоат ҳафсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳитни ҳимоялаш ҳамда рақобатни чеклашга қаратилган ноҳўя қоида ва нормалар ўрнатилишининг олдини олиш мақсадида мувофиқдир. Айни чоғда рухсатнома олиш тартиб-қоидаларининг шаффоқлиги, очик-ошоралиги ва ҳамма учун тушунарли бўлишини таъминлаш зарур. Барча ваколатли органлар томонидан тадбиркорликни юритиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни олишда «ягона ойна» принципини жорий қилиш, рухсатнома олишда ҳамма учун бир хил талабларнинг қўйилиши мақсадлидир.

Қонунда ваколатли орган тадбиркорларга рухсатнома бериш, қайта расмийлаштириш, мuddатини узайтириш, тўхтатиб туриш, ҳаракатдан тўхтатиш, бекор қилиш

(Давоми 2-бетда.)

ТАНЛОВ ЯҚУНЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Энг улуг, энг азиз» республика танловининг жорий йилдаги голибларига совринларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танлов Президентимизнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги руҳига мос тарзда ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда.)

(Давоми 2-бетда.)

Ифтихор

Инсон ҳар доим орзу билан яшайди. Айниқса, умр баҳори — ёшлиқда қалбимиз эзгу истак ва умидларга лиммо-лим тўлади. Шу маънода, биз, Ўзбекистон ёшлари ҳар қанча фахр ва ифтихор этсак арзийдики, озод ва обод юрт фарзандимиз, Президентимизнинг беқиёс гамхўрликларидан баҳрамандмиз.



ИҚТИДОРЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Наво-соз” ансамбли (Тошкент шаҳри), Дилноза Акбарова (Тошкент вилояти), мусика ихрочилиги йўналишида Тамара Акбарова (Жиззах вилояти), Шерзод Шодиев (Навоий вилояти), Лочинбек Мўминов (Хоразм вилояти), эстрада санъати йўналишида Юлдуз Низомова (Самарқанд вилояти), Шахноза Отабоева (Тошкент шаҳри), Машхурбек Раимжонов (Тошкент шаҳри), академик ижро йўналишида Отабек Махмудов (Фарғона вилояти) сазовор бўлдилар.

Нуфузли мукофотни Ўзбекистон халқ артистлари, таниқли санъат намояндлари, эл ардоғидаги бастакорлар қўлидан олган совиндорлар қувончига қувонч қўшилди. Голибларни тантанали тақдирлаш маросимида санъат усталари ҳамда “Нихол” мукофоти совиндорлари ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов сўзга чиқди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН – БАҲҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАК ДАРАЖАДАГИ МАЪНАВИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон — Россия муносабатлари ҳақида тўхталар экан, Е. Бажанов “Бизнинг миллий устувор йўналишларимиз халқро ҳавфсизликни таъминлаш, терроризм, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш масалаларида бир-бирига мос келади ва қўллаб-қўллаган ҳамда минтақавий масалалар юзасидан Ўзбекистон билан Россия бир хил қарашга эга, — дея таъкидлади. — Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар жадвал ривожланмоқда ва бу дўстона алоқалар келгусида ҳам шундайлигича қолади, дейишимизга тўла асослар бор”.

Иқтисодий соҳадаги ўзаро муносабатларга эътибор қаратиб, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси ректори бу борада барча йўналишларда муваффақиятга эришилаётганини қайд этди. “Биз транспорт коммуникациясини ташкил қилиш соҳасида, энерге-

тика ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Россия Федерациясида Ўзбекистондан келтирилган маҳсулотлар энг машхур саналади ва Россия бозори Ўзбекистон учун доимо муҳим бозорлардан бири бўлиб қолади”.

Сўзининг якунида Е. Бажанов Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан биродар ўзбек халқига ўзининг тилакларини билдирди.

“Мен Россиядаги таълим муассасасининг вакили сифатида Ўзбекистонлик талабалар, аспирантлар билан кўп суҳбатлашаман, ўзбек профессорлари билан фикр алмашаман ва доимо уларнинг юксак интеллектуал салоҳиятларидан ҳайратга тўшаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон давлатига мустақиллик байрами арафасида жаҳон миқёсидаги иқтисодий раванк, мамлакат халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман. Бундан минг йиллар



муқаддам Бухоро, Самарқанд ва Ўзбекистондаги бошқа тарихий шаҳарлар цивилизация маркази бўлган ҳамда дунёга буюк олимлар ва шоирларни, илм-фан соҳасидаги етуқ мутахассисларни етказиб берган. Мустақил Ўзбекистон давлати мана шундай азим ва мустаҳкам асосга қурилган. Бугун у мамлакат раҳбариятининг тўғри, узоқни кўра билган ва пухта сиёсати натижасида муваффақият билан ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг келгусида янги ютуқларга эришиши учун ана шу икки омил — тарих ва ҳозирги оқилона сиёсат бир-бирига уйғун бўлмоғи керак”, деди у.

«Жаҳон» АА. Москва

ЎЗЛИГИМИНИ КАШФ ҚИЛДИМ

Эътибор ва эъзоз истеъдод соҳибини тоблайдими, уни камолга етказадими. Бу ҳаётий ҳақиқат рўёбинини бугун юртимизда кашф этилаётган минглаб иқтидор эгалари тимсолида кўраёلمиз. Ўзимдан қиёс: санъатга болалиқдан меҳр қўйган бўлсам-да, арзимас меҳнатимга бугунгидек эътибор етти ухлаб тўшимга ҳам кирмаган эди. Юртимизда изланган, мақсад сари интилган киши ҳеч қачон кам бўлмас экан. Бунинг учун эса барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Истиклол имкониятларидан фойдаланиб, эзгу мақсад йўлида қилган ҳаракатларим зое кетмади: тайёрлаган қўшиқларим юртдошларимиз томонидан илиқ қарши олинди. Энг муҳими, илк ижодий намуналаримни 2006 йилдан бошлаб тақдир олган бўлсам, ўша йилиёқ Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган “Нихол” мукофоти тўғрисида лойиҳа топилдим. Ўшандан буён истиқлолимизнинг асосий тантаналарида иштирок этиб келаяпман. Бу мен учун ниҳоятда юксак шараф.

Ёшларга қаратилаётган эътибор, албатта, ўз самарасини кўрсатади. Бинобарин, бугун тенгдошларимиз эришаётган кичик муваффақиятлар ҳам юксак даражада тақдирланмоқда. Бундай шароитда завқ билан меҳнат қилмаслик, интилмаслик мумкин эмас. Зеро, интилганга толе ёр, деганларидек, 2009 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”, деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Бундан бошим осмонга етди.

Астойдил қилинган меҳнатнинг меваси тотли бўлади. Шу маънода, яқинда “Азизим, Ватан” номли кўшиқ ёздик. Бор меҳримни шу хонишга бағишлаб, кўзда ёш билан ижро этдим. Бу кўшиқ Истиқлолимизнинг қутлуг 20 йиллик тўйига тўғнамадир.

Сардор РАҲИМХОН, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

ЗАМОНАВИЙ ТАШХИС ВА МУОЛАЖА

эл соғлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Эл саломатлигини асраш, навқирон авлоднинг жисмон соғлом, маънан етуқ шахс бўлиб камолга етишини таъминлаш устувор мақсадларимиздан биридир. Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини юксалтириш борасида эзгу чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Натижада инсон ҳаётига ҳаф солиши мумкин бўлган кўплаб оғир хасталикларнинг олдини олишга муваффақ бўлинаёпти. Жойларда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, малакали шифокорлар жамоасига эга йирик тиббиёт марказлари қаторида аҳолига юксак малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти бор кўплаб хусусий шифо масканлари, диагностика марказлари ташкил этилаётганлиги эса алоҳида эътиборга моликдир.

Самарқанд шаҳридаги “Амридинон” мукофоти таъсис қилган “Амридинон” масъулияти чекланган жамиятига қарашли даволаш-диагностика маркази фао-

хасталиги мавжудлигини аниқлашди. Дарҳол муолажани бошлади. Қўли энгил шифокорлар савий-ҳаракати билан аҳволим анча яхшиланди, ҳозир ўзимни тетик ҳис қилаёяман.

Самарқанд шаҳрининг Кимёгарлар кўрғонида яшовчи А. Шуқурова ҳам шифохона ва шифокорлар ҳақида шундай илиқ фикрлар билдирди:

— Ташхис қўйиш ва даволаш усулларида қониқлиқ ҳосил қилдим. Менда ҳам умуртқааро диск чурраси хасталиги мавжуд экан. Илгарилари бундай касалликдан фориғ бўлиш учун кўп вақт талаб қилинар эди. Замонавий даво усуллари, шифокорларнинг тажриби ва малакаси сабабли, шурки, дарддан фориғ бўлмоқдамиз.

Тиббий масканда компьютер томографияси, ультратовуш текшируви, эхоэнцефалоскопия, электро-

кардиография, нуга-бест терапевтик массаж усули каби тиббий хизматлар йўлга қўйилган.

— Тиббий ускуналар Германиянинг “Сименс” фирмасидан келтирилган, — дейди марказ раҳбари Обид Амридинов. — Энг муҳими, мутахассисларимиз тезкор равишда аниқ ташхис қўйиш ва даволаш имконини берувчи ушбу асбоб-ускуналар воситасида ишлашни муккамал ўрганишган. Масалан, ультратовуш ускунасида барча аъзо-лар фаолиятини текшириш мумкин. Шунингдек, у қўшимча равишда юрак-қон томир хасталикларини текширадиган рангли доплер билан таъминланган. Умуртқа поғонаси касалликларини даволашда эса дори-дармондан фойдаланмай туриб, фито ҳамда физиотерапия усуллари ёрдамида муолажалар қилаёямиз.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ кўйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади: табиий қўй мўйнасидан тайёрланган ёқалар. Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади. Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача кўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта алоқа бўлимларига мебель жиҳозларини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади. Танлов мақсади — почта алоқа бўлимларига мебель жиҳозларини сотиб олиш. Мабел 16-22 мм. қалинликдаги ЛМДФ ёки ЛДСП дан, 1-2 мм. қалинликдаги мустаҳкам (кромочный) пластик ПВХ ишлатилган ҳолда тайёрланиши керак. Танлов бўйича таклифлар корхона томонидан ишлаб чиқариладиган мебелларнинг фотосуратлари намунаси, лицензия нусхаси илова қилинган ҳолда, жорий йилнинг 6 сентябрга қадар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга, кўйидаги манзилга юборилиши сўралади: 100000, Тошкент шаҳри, Олой кўчаси, 1-уй. Мурожаат учун телефон: (8-371) 233-57-47. Факс: (8-371) 236-09-21. Электрон почта marketing@post.uz. Тўлиқ маълумотлари (8-371) 232-00-83 телефони орқали олишингиз мумкин.

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилояти филиали объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Бухоро вилояти хўжалик судининг 2009 йил 21 декабрдаги 20-0907/13673-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган кўйидаги ускуналар тақдоран қўйилмоқда. 1. «Бухорогўшт» МЧЖга тегишли «ФМСТУ-5132-005-26833022-99» русумли ускуна. Бошланғич баҳоси — 41 815 200 сўм. 2. «Бухорогўшт» МЧЖга тегишли «Эскимо» музқаймоқ ишлаб чиқариладиган ускуна жамламаси. Бошланғич баҳоси — 65 229 900 сўм. 3. «Бухорогўшт» МЧЖга тегишли «ПВЗ-600», «ПРТМУ-1800/Н», 2 та компрессор К-22 жамламаси. Бошланғич баҳоси — 15 530 200 сўм. 4. «Бухорогўшт» МЧЖга тегишли «ХРВ-16» русумли ускуна. Бошланғич баҳоси — 10 525 100 сўм. 5. «Бухорогўшт» МЧЖга тегишли 1 та «Сатуратор СТ-200», 1 та «Этикетиروвичи ЭТ-600», 2 та «УПК-100», 2 та «ХПА-1-17200» русумли ускуналар. Бошланғич баҳоси — 10 819 400 сўм. 6. «Бухорогўштсўтхарадсавдо» МЧЖга тегишли, Польшада ишлаб чиқарилган «ICE-LINE6000-7000» русумли автоматлаштирилган экструзион линия. Бошланғич баҳоси — 406 272 750 сўм. 7. «Бухорогўштсўтхарадсавдо» МЧЖга тегишли, Польшада ишлаб чиқарилган, соатига 600 литр музқаймоқни мевалар билан бойитиш ускунаси. Бошланғич баҳоси — 17 500 980 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 8 сентябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижросини иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида катнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санагини кўрсатган ҳолда, РКМБ Бухоро филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиали «Мустақиллик» минибанкидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлар шарт: 20210000200571452129, МФО: 00111, СТИР: 200933850. Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30. www.rkmb.uz.

UZTRANSGAZ «ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ Хурматли юртдошлар! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда. Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ҳодимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

Хурматли соғинмак ва ёқовлар! «ЎЗБЕКИСТОН» ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ сизларга Кисловодск шаҳрида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сихатохидда табиат қўйида ҳордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишингизни таклиф қилади. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигини нишонлаш мақсадида мамлакатимиз фуқаролари учун киш-бахор мавсумларида нархлар 20 фоизга арзонлаштирилган. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, С. Азимов кўчаси, 65-уй. Телефонлар: (8-371) 233-55-18, 232-13-67, 233-64-92.

«KOCNMAС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Бухоро шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Бухоро вилояти хўжалик судининг 2009 йил 5 декабрдаги 20-0903/13530-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бухорогўшт» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 15624,17 кв.м. бўлган, 28 номдан иборат бино-ишоотлар мулкый мажмуаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 757 458 561 сўм 47 тиийн. «Бухорогўшт» МЧЖга тегишли 28 номдан иборат бино-ишоотлар мулкый мажмуаси таркибига кирувчи мол-мулклар рўйхати кўйидагилардан иборат: 1. Майдони 481,54 кв.м.дан иборат 2 қаватли маъмурий бино. 2. Майдони 122,9 кв.м.дан иборат қоровулхона биноси. 3. Майдони 410,1 кв.м.дан иборат 2-сонли маъмурий бино. 4. Майдони 97,02 кв.м.дан иборат автомобиллар кириш жойи. 5. Майдони 105,92 кв.м.дан иборат «КНС» биноси. 6. Майдони 126,75 кв.м.дан иборат тарозихона. 7. Майдони 117,2 кв.м.дан иборат подстанция. 8. Майдони 88,0 кв.м.дан иборат ечиниш хонаси. 9. Майдони 375,7 кв.м.дан иборат айвон. 10. Майдони 873,3 кв.м.дан иборат музхона. 11. Майдони 501,6 кв.м.дан иборат компрессор хонаси. 12. Майдони 910,85 кв.м.дан иборат колбаса цехи. 13. Майдони 3233,1 кв.м.дан иборат иккиламчи ишлов бериш цехи. 14. Майдони 891,81 кв.м.дан иборат терти тузлаш цехи. 15. Майдони 722,3 кв.м.дан иборат қозонхона. 16. Майдони 386,54 кв.м.дан иборат омборхона. 17. Майдони 654,24 кв.м.дан иборат механика цехи. 18. Майдони 81,27 кв.м.дан иборат чиқинди ҳавзаси. 19. Майдони 573,2 кв.м.дан иборат куруқ ем цехи. 20. Майдони 73,9 кв.м.дан иборат механика устанонаси. 21. Майдони 63,0 кв.м.дан иборат сартарошхона. 22. Майдони 343,8 кв.м.дан иборат иссихона. 23. Майдони 291,8 кв.м.дан иборат ошхона. 24. Майдони 63,0 кв.м.дан иборат чойхона. 25. Майдони 222,0 кв.м.дан иборат сауна. 26. Майдони 3240,0 кв.м.дан иборат колбаса цехи. 27. Майдони 3240,0 кв.м.дан иборат градинья. 28. Майдони 416,7 кв.м.дан иборат тўсиқ девор. Аукцион савдоси 2011 йил 22 сентябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар (талабнома)ни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Мазкур савдода катнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг АТБ «Турон» банки Бухоро филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519. Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30. Лицензия: RR-0001.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг бош банкида ва минтақавий филиалларида ташкил этилган «Ишонч телефони» рақамлари. Т/р Номи Рақами 1. «Ўзсаноатқурилишбанк» бош офиси (8-371) 120-36-32 2. Қорақалпоғистон минтақавий филиали (8-361) 780-01-48 3. Андижон минтақавий филиали (8-374) 235-31-22 4. Бухоро минтақавий филиали (8-365) 223-96-86 5. Қашқадарё минтақавий филиали (8-375) 223-06-83 6. Навоий минтақавий филиали (8-436) 224-53-91 7. Наманган минтақавий филиали (8-369) 234-32-90 8. Самарқанд минтақавий филиали (8-366) 231-05-69 9. Сурхондарё минтақавий филиали (8-376) 781-12-86 10. Сирдарё минтақавий филиали (8-367) 225-29-25 11. Тошкент вилояти минтақавий филиали (8-371) 241-70-01 12. Фарғона минтақавий филиали (8-373) 224-88-86 13. Хоразм минтақавий филиали (8-362) 226-65-88 14. Марказий амалиёт минтақавий филиали (8-371) 120-01-14 15. Тошкент шаҳар минтақавий филиали (8-371) 140-66-07 «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни жамоаси аппарат раҳбари Шожалил Шораҳмедовга отаси Қошир ШОРАҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касоба уюшмаси қўмитаси Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси доценти Зокир Тоировга онаси Валентина ТАИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг жамоаси



мамлакатимизнинг барча фуқароларини
Энг азиз, энг улуг байрам —
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 20 йиллиги
билан қутлайди!



Байрамингиз муборак,
азиз юртдошлар!



«KARMANA GIPS MAHSULOTLARI»

ҚўШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳлини республикаимиз Мустақиллигининг
20 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!



*Бизга эркин ва тинчликнинг
билан меҳнатимизнинг улуғ келиши билан
байрам билан Ўзбекистонимиз абадий
бўсин!*

*Баргана сизгай-самолайлик,
эзи ишларидида қувват
зафарлар
тилаймиз!*

Шунингдек, ташкилот «Gipart»
бренди асосида тайёрланган сифатли
гипс ва гипсокартон маҳсулотларини
ишлаб чиқаради ҳамда таклиф этади.

Аҳоли, корхона ва
ташкilotларни ҳамкорликка чорлайди.
Тел.: (99897) 471-11-33,
8 (371) 273-23-87, 8 (436) 225-59-46,
8 (366) 397-11-33, (+99873) 715-11-33.

SAVDOSIR BANK

«САВДОГАР»

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари
ва мижозларини, барча ҳамкасбларини
республикаимиз Мустақиллигининг

20 ЙИЛЛИК

байрами билан
самимий қутлайди!

Мамлакатимиз иқтисодийётига
самарали меҳнатлари билан ўз
хиссасини қўшаётган барча
юртдошларимизга соғлиқ-омонлик,
омиларига тинчлик-хотиржам-
лик тилайди.



*Сиз, азизларни
ўзаро манфаатли
ҳамкорликка
чорлаймиз!*



UZTELECOM

«Ўзтелеком» акциядорлик компанияси
барча ҳамюртларимизни

мамлакатимиз
мустақиллигининг
20 йиллик

байрами билан чин дилдан
табриклайди!

Юртимизда шоду хуррамлик билан
нишонланадиган ушбу байрам ҳар бир хонадонга
тўкинлик, фарвонлик,
қувонч ва шодликлар бахш этсин!

Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
мустақиллигимиз абадий
бўлсин!

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 294,9 ▲ + 31,6 ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 242,3 ▼ - 1,4 АРМАТУРА 3564,3 ▲ + 109,1 ШИФЕР (1 лист) 13497 ▼ - 1191 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 52546 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон»
кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5